

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТЕЗКОР БЎЛИНМАЛАРИ ТОМОНИДАН ФИРИБГАРЛИК ЖИНОЯТЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ТАКТИКАСИ

Жумабоев Шохруҳ Фурқат ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси 3-ўқув курси курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8049787>

Аннотация. Мақолада ҳозирги кунда дунё миқёсида долзарб ҳисобланган фирибгарлик жиноятлари, яъни интернет тармоғи орқали содир этиладиган жиноятлар ҳақида сўз боради. Жиноятчиликнинг олдини олиш, жиноят содир этилишига туртки бўлган омиллар ва сабаблар, чет давлатлар ҳуқуқ-тартибот органларининг иш тажрибаси, зарур аҳамиятга эга бўлган тавсиялар ҳам келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: интернет, интернет-банкнинг, сайт, фишинг, вишинг, реквизит, мобил алоқа, CVV-код, pin-код, SMS-хабарнома, статистика, мессенджер.

Мустақилликка эришгандан буён давлатимизда инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилди. Сўнги вақтларда олиб борилаётган ислоҳотларнинг туб замирида инсон қадрини улуғлаш биринчи даражали мақсадга айлантирилди. Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг бевосита раҳбарлиги ва ташаббуслари асосида фуқароларнинг тинч ва фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Шундан келиб чиқиб, “инсон қадрини учун” тамойили асосида инсоннинг шаъни, қадр-қиммати, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигини инобатга олиб давлатимизда жиноятчиликни барвақт олдини олиш, унга қарши курашиш муҳим ўринни эгалламоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг туб замирида, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари турибди. Мамлакатимиздаги ҳар бир инсоннинг шахсий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқлари мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 66-моддасида; Мулкдор шизига тегишли бўлган мол-мулкка ўз хоҳишича эгалик қилиши, ундан фойдаланиши ва уни тасарруф этиши. Мол-мулкдан фойдаланиш атроф-муҳитга зарар етказмаслиги, бошқа шахсларнинг, жамият ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонуний манфаатларини бузмаслиги лозимлиги келтириб ўтилган. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасининг аҳоли сони 36 миллиондан ортди, шу сабабли ҳам интернет тармоқларидаги фойдаланувчилар сони бошқа мамлакатлар сингари тобора ортиб бормоқда.

Datareportal томонидан 2023 йилнинг январь ойига кўра тайёрланган статистик маълумотларга кўра, ушбу аҳолининг 90% дан ортиғи мобил алоқага уланган ва у мамлакатнинг 85,9 %ини қамраб олади. Аҳолининг қарийб ярми интернет орқали турли кўринишдаги тўловлар ҳамда савдо-сотик амалларини бажариб келишади. Нақд пулдан ҳоли равишда амалга оширилган ушбу жараён аҳолига бирмунча ёрдам беради ҳамда вақтларини тежашга хизмат қилса, аксарият ҳолларда баъзи фуқароларнинг ҳуқуқий онги етарли даражада эмаслиги ва айрим фуқароларнинг ишонувчанлиги сабабли ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятчиликнинг ортиб бориши каби салбий оқибатларга олиб келади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда ҳар бир соҳага берилаётган алоҳида эътибор туфайли жиноятчиликка қарши курашиш ва уни олдини олиш борасида бир қатор норматив ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддасида назарда тутилган, Фирибгарлик- яъни алдаш ёки ишончли суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқини қўлга киритиш жиноятлари кескин ортиб бормоқда. Фирибгарлик жиноятини содир этганлик учун содир этилган қилмишнинг даражасига қараб Жиноят кодексида 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилган. Ушбу турдаги жиноятларнинг олдини олиш учун:

- аҳоли билан доимий равишда тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш;
- ушбу турдаги жиноятларни содир этиб судланган ва содир этиш эҳтимоли бўлган шахслар билан яқка тартибдаги профилактик суҳбатлар ташкил этиш;
- осон моддий жиҳатдан бойиб кетиш ниятида юрган шахсларни ҳуқуқий онгини реклама, баннерлар, видеороликлар, тарқатма материаллар ва оммавий ахборот воситалари орқали самарали огоҳлантириб бориш;
- ахборот коммуникация технологиялари орқали содир этиладиган фирибгарлик жиноятларига қарши курашиш ва уларнинг олдини олиш бўйича дастурлар яратиш ҳамда уларни амалиётга жорий этиб рағбатлантириш каби ишларни амалга оширишимиз зарур.

Фирибгарлик жиноятларини олдини олиш ва унга қарши самарали курашиш тизимини йўлга қўйиш орқали биз ушбу турдаги жиноятларни олдини олишимиз мумкин.

Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятчиликлар компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади, фирибгарлар асосан жиноят содир этиш жараёнида алдов йўллари билан қўлга киритилган банк реквизитларидан фойдаланадилар.

Жиноятларнинг аксариятини вишинг (банк ходимлари номидан карта эгаларига қўнғироқни амалга ошириш) йўли билан картадаги пул маблағларини ечиб олиш каби ноқонуний ҳаракатлар ташкил этади.

Айни шу кунларда интернет тармоғида фуқароларга нисбатан содир этилаётган долзарб жиноят турлари сифатида қуйидагиларни белгилаш мумкин:

- ижтимоий тармоқлар ёрдамида ҳисоб картадаги пул маблағларини қўлга киритиш;
- телефонда вишинг ёрдамида ҳисоб картадаги пул маблағларини қўлга киритиш;
- фишинг ёрдамида ҳисоб картадаги пул маблағларини қўлга киритиш;
- ижтимоий тармоқлар ва электрон почтага ноқонуний равишда уланиб олиш.

Пул маблағларини ноқонуний қўлга киритиш интернет тармоқларидаги янги “вишинг” ва “фишинг” шакллари кўриб чиқамиз.

“Вишинг”нинг моҳияти шундаки, жиноятчилар банк ходимлари номидан қўнғироқларни амалга ошириб, шахсий маълумотлар ҳамда банк карталари реквизитларини қўлга киритишади. Бунинг энг содда усули банк картаси эгасига унинг картадаги маблағларни ечиб олишга уриниш бўлаётганлиги, шу сабабли картани зудлик билан блоклаш каби қалбаки маълумотларни етказиш орқали шахсий маълумотларга эга бўлишдан иборат. Бунда банк маъсулларида мижоз ҳақидаги барча махфий маълумотлар мавжудлигини англаш зарур. CVV-кодлар, pin-кодлар, SMS-

хабарномалар, шахсий ҳисоб рақамни етказиш каби маълумотлар фирибгарлик ҳаракатларидан дарак беришини тўлиқ тушуниб етиш лозим.

Бунда энг адолатли қарор: суҳбатдошга ҳеч бир шахсий маълумотларни айтмаслик, авваламбор унинг фамилияси, исм-шарифини аниқлаштириб, банкка қўнғироқ қилиб барча тафсилотларга эга бўлиш керак.

Бу борада қўшни Белорусия давлатида мессенджердан фойдаланувчиларни хавфсизлантириш мақсадида қўлланилаётган “Viber” тақдим этган программанинг ижобий томонларига тўхталиб ўтсак. Ушбу мессенджерда «Защита от лишних звонков» (Ортиқча қўнғироқлардан ҳимоя) функцияси яратилиб, у шахсга нотаниш бўлган қўнғироқлардан ҳимоя қилинишини кўзда тутди. Мобил алоқа воситалари барча Белорусия номерлари эгалари учун мослаштирилган. Фойдаланувчи, яъни мобил қурилма эгаси нотаниш рақамлардан келиб тушадиган кирувчи видео ва аудиоқўнғироқларни қабул қилмайди. Мазкур рақамларда келиб тушган қўнғироқлар рўйхатдаги “пропущенный вызов” “недавний вызов” каби ном остида сақланиб туради. Шу сабабли фойдаланувчининг кейинчалик нотаниш рақам билан қайта алоқага чиқиши мумкинлиги ҳам мумкин бўлади. Шу билан бир қаторда, фойдаланувчи нотаниш рақамларни тўлиқ таъқиқ остига олиш ёки олмасликни ўзи ҳал қилиши мумкин.

Viber Белорусия фуқароларини нотаниш рақамлардан келиб тушган қўнғироқлардан ҳимоя қилади ва ҳозирги пайтда кўп тарқалган фирибгарликнинг олдини олишда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Белорусия ҳозирги пайтда ушбу функциядан фойдаланувчи мамлакатлардан бири бўлиб, ушбу функция Android ва iOS асосидаги қурилмалар ҳамда илованинг компьютер версияси ёрдамида ҳам кириш мумкин.

Ҳозирги кунда “фишинг” ёрдамида ҳам кўплаб фирибгарлик хатти-ҳаракатлари содир этилмоқда. Ўзининг маҳсулоти, шахсий телефон рақамини интернет-майдонларида эълон учун қолдирган ҳар бир сотувчи фирибгарларнинг домига тушиш ҳолатларининг ортиб бориши қайд этилган. Қоидага биноан, машхур мессенджерларни қўллаган ҳолда, сотувчи билан фирибгар ўзининг қалбаки рақами орқали боғланади ва етказиб бериш (доставка) хизматидан фойдаланган ҳолда маҳсулотни сотиб олиш ниятини айтади. Нархларни келишиб олгач, сотувчи маълум бир етказиб бериш (бизнинг ҳолатда, асосан урф бўлган Яндекс хизмати) хизматининг ҳаволаси келиб тушади. Ҳавола орқали сотувчи тилга олинган ташкилот ёки фирманинг ташқи рамзий саҳифаси, маҳсулоти учун мўлжалланган тўлов қийматини кўриши мумкин бўлади.

Маблағни олиш учун фақатгина 16 та сондан иборат карта рақами, карта эгасининг фамилияси, исми, картанинг амал қилиш муддати, CVV-кодни (картанинг орқа томонида мавжуд) киритиши, зарурият туғилганда SMS-хабарномани ёки интернет-банкинг (логин, пароль, ёки вақтинчалик код) реквизитларини тасдиқлаш зарур бўлади.

Reference:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент-2023
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “2022-2026 йилларга

мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” номли китоби.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг “Фирибгарликка оид суд амалиёти тўғрисида”ги 2017-йил 11-октябрдаги 35-сон Қарори.

